



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 19 ноябрь, № 246 (8589)

Яқшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Янги спорт ва транспорт инфратузилмаси объектлари Азим пойтахтга кўрк бағишлайди

Президент Шавкат Мирзиёев 18 ноябрь куни Тошкент шахрининг Мирзо Улуғбек ва Яшнобод туманларига ташриф буюриб, спорт ва транспорт инфратузилмаси объектларининг қурилишини кўздан кечирди, маҳаллалардаги бунёдкорлик ишлари билан танишди.



жорий йилнинг ўтган даврида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида 360 та лойиҳа бажарилиб, жами 20 мингга иш ўрни яратилган. Шунингдек, келгусида Янги ҳаёт туманида 650 гектар майдонда янги авлод санат зонаси ташкил этиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шахрида Янги Ўзбекистон кўчаси ва "4R12" магистраль йўли кесишувида қуриладиган йўлтуказгич лойиҳаси билан танишди.

Сўнгги йилларда бу икки йўлда қатнов орти. Бўстонлик ва Паркент туманларига бораётган сайёҳлар сони ҳам аввалги йиллардагига қараганда бир неча баробар кўпайди, ҳали яна ошади. Шунингдек, бу кесишма келажақда Янги Тошкент шахрига олиб борадиган асосий йўл бўлади.

Шуларни инобатга олиб, бу кесишмада транспорт боғламаси қуриш мўлжалланган. Лойиҳага кўра, бу ерда 1 та кўприк, 3 та туннель, 4 тадан айланма ва қўшимча йўллар барпо этилади. Буларнинг эвазига чорраҳа биронга ҳам светофорсиз — "яшил чорраҳа" бўлади. Бу қулайлик натижасида ҳайдовчи ва йўлчиларнинг вақти ҳозиргига нисбатан 20 — 30 дақиққа тежалди, ҳаракат хавфсизлиги ошади.

Президентимиз "Дўстлик — Кўйлик" ер усти метроси тагида қурилаётган савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини ҳам кўздан кечирди. Лойиҳа доирасида бу ерда 36 та савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаси, спорт ва болалар майдончалари, автотураргоҳлар барпо этилади.

Мутасаддиларга бу ерда хавфсизлик чоралари ва назоратини таъминлаш, Тошкент шахрида хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Ҳабиб Абдуллаев маҳалласида ҳам бўлди.

Бу маҳаллада 4 минг 400 нафардан зиёд аҳоли яшайди. Худудда элликка яқин савдо дўконлари ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, таълим

ташкilotлари фаолият юритмоқда. 38 та кўп қаватли уй ва тўртта ижтимоий объектга "Маданиятли худуд" бошқарув сервис компанияси хизмат кўрсатади.

Аҳолининг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча шароит яратилган. Жорий йилда оталар чойхонаси, амфитеатр, "Wi-Fi" худуди барпо этилди, ички йўллар ва болалар майдончалари таъмирланди.

Масуулларнинг эътибори, аҳолининг ҳамжихатлиги сабаб худуднинг манзараси тубдан ўзгарди. "Яшил макон" умумийлик лойиҳаси доирасида шу кўзда 2 минг тупдан ортиқ манзарали ва мевали кўчатлар экилди. Иккита артезиан қудқ қазилиб, ашил майдонларни сугориш тизими яратилди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда туман фаоллари, нуронийлар билан суҳбатлашди. Улар ўз маҳаллалари обод бўлгани, энергия тармоқлари таъмирланиб, қишга пухта тайёргарлик кўрилганини айтишди.

Президент энергияни тежаш, ҳонадонлардаги иссиқликни асраш, ҳар бир инсонда бунга дахлдорлиқни шакллантириш зарурлигини таъкидлади.

— Дунёдаги иқлим ўзгаришлари биздан узоқда, деб бўлмайди. Ўтган йилги совуқ буни кўрсатди. Энди иқлим ўзгаришини инобатга олиб, дунёқарашимизни ҳам ўзгарттишимиз керак. Ҳар бир фуқаро "бу менинг уйим, менинг маҳаллам, менинг туманим, менинг Ватаним" деб яшаса, натижа биз кутгандек бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу маҳаллада ҳам қиш олдида ўн та трансформатор таъмирланди, электр симлари алмаштирилди. Кўп қаватли уйларнинг кириш йўлақлари капитал таъмирланди, янги эшиклар ўрнатилди. Уйларнинг ертўласидаги иссиқлик қузувлари янгиланди.

Давлатимиз раҳбарига Чилонзор туманига ташриф чоғида берилган топшириқларга мувофиқ қишга қурилган тайёргарлик ҳақида ахборот берилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Олимпия шаҳарчасидаги қурилиш жараёнларини кўздан кечирди.

Маълумки, 2025 йилда Ёшлар ўртасидаги Осиё ва Парасиё ёшлар ўйинлари юртимизда ўтказилади. Шу боис Олимпия шаҳарчасида мазкур мусобақалар дастурига киритилган барча спорт турлари учун шароит бўлади. Унинг майдони 100 гектар. Асосий иншоотлар — 10 минг ўринли стадион ва 2 минг томошабинга мўлжалланган велодром, сув спорти саройи, яккакурашлар ва жамоавий ўйинлар мажмуаларидир.

Шунингдек, 4 қаватли маъмурий бино, 15 та очик спорт майдони, югуриш йўлақлари, боғлар барпо этилади. Умуман, шаҳарчанинг 54 фоиз

майдони яшил худуд бўлади. Бунинг учун 37 гектарда сунъий кўллар ташкил қилинади.

Лойиҳа 70 та мамлакатда спорт иншоотлари қурган Хитойнинг "САНС Engineering" компанияси билан биргаликда амалга оширилмоқда.

Бундан бир йил олдин, 9 ноябрь куни давлатимиз раҳбари мазкур шаҳарча қурилишига тамал тоши қўйган эди. Бугунги кунда асосий биноларнинг пойдевор ишлари тўлиқ бажарилган. 5 та мажмуанинг конструкциялари тикланиб, қад кўтариб қолган. Қурилишга мингга яқин ишчи ва муҳандислар, махсус техникалар жалб қилинган.

Давлатимиз раҳбари шаҳарчани эксплуатация қилиш бўйича хорижий

тажрибани жорий этиш, хавфсизлик чораларини қўриш ва қулайликларни ошириш юзасидан кўрсатмалар берди.

— Осиё ўйинлари ўтгандан кейин мажмуалар бўшаб қолиши керак эмас, халқимизга хизмат қилиши керак. Бу ерда машгулотлар билан бирга спорт таълими, илми, тиббиётни мужассам бўлиши зарур. Яъни бу жой мамлакатимиз спортининг илмий, амалий, ўқув-машгулот маркази бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Кейинчалик бу ерда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, спорт федерациялари, Ўзбекистон давлат спорт академияси ва бошқалар фаолият кўрсата бошлайди. Майдончаларда юртдошларимиз ҳам спорт билан шуғулланиши мумкин бўлади.

— Келажақда бу шаҳарча билан болалар спорт мактабларини ҳам боғлаш керак. Оммавий спортдан профессионал спортга ўтиш кўприги бу, — деди Президент.

Шаҳарчада Парасиё ёшларини ҳам ўтказилгани боис жисмоний имконияти чекланган инсонлар учун қулай йўллар ва алоҳида секторлар ташкил этилади.

Президентимиз тавсиясига мувофиқ, мажмуада қайта тикланувчи энергиядан ҳам фойдаланилади. Йиллик қуввати 10 мегаватт 56 минг квадрат метр қуёш панеллари ўрнатилди.

Шу ерда Тошкент шахри бўйича ўтган йили тақдирот қилинган инвестиция дастурига мувофиқ, бу йил ишга туширилган лойиҳалар ҳақида ахборот берилди. Қайд этилганидек,

Нуктаи назар ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ ШЕРИКЛИК ВА МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

Бугунги кунда дунёда глобал кескинликлар ва зиддиятлар шароитида чуқур трансформация жараёнлари юз бермоқда. Аҳамиятлиси, ўзгаришлар сайёраимизнинг деярли барча нуқтасида содир бўлмоқда. Шу ўринда Осиё, айниқса, туркий халқлар овози тобора кучли янграмоқда, десак, муболага эмас. Туркий давлатлар ташкилоти пайдо бўлиши ҳам ушбу жараённинг мантиқий давомидир. Яъни аънавий тарзда халқаро куч сифатида эътироф этиладиган АҚШ, Россия ва Европанинг қатор мамлакатлари сафида Осиёнинг Япония, Жанубий Корея каби тараққий этган ҳамда ривожланиб келаётган Хитой, Хиндистон, Покистон, Эрон сингари давлатлари, шунингдек, Евроосиёдаги Туркия ҳам янги сиёсий куч сифатида кириб келди.

Мавжуд зиддиятлар, қарама-қаршиликларни биргаликда енгиб ўтиш, изчил тараққиётни таъминлаш зарурати минтақалар миқёсида ўзаро шериклик, мулоқот майдони ва ҳамкорлик институтларини шакллантириш ҳамда тақомиллаштиришни кун тартибига қўймоқда. Шу маънода, туркий давлатлар — Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркия халқаро муносабатларнинг субъекти сифатида ўзаро алоқага киришиш учун минтақавий тузилма — Туркий давлатлар ташкилотини (ТДТ) тузиши, унга кузатувчи давлатлар ва шериклар пайдо бўлиши объектив зарурат эди.

Албатта, аъзо ва кузатувчи давлатлар ўз манфаатини белгилаб олиши ва илгарчи суриши учун тузилма пайдо бўлди. Бу маънода ташкилотнинг асосий мақсади туркий мамлакатлар ўртасида дўстлик, яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, барча соҳада ҳамкорлик, ўзаро мулоқот майдонини яратиш, йўлга қўйиш ва ривожлантириш, Евроосиё худудидега ва глобал даражада хавфсизликни таъминлаш борасидаги сайёра ҳаракатларини мувофиқлаштириш, ўзаро ишончини мустаҳкамлашга қаратилди.

Ўзаро ҳамкорликнинг янги босқичи

Айтиш керакки, тузилма, ҳақиқатан, қисқа вақтда шаклланиб, дастлабки ижобий натижаларга эришди. Энди эса йирик ўзгаришлар, лойиҳалар бўйича жиддий ҳаракат бошлайдиган давр келди. Шундай бўлмоқ-

да ҳам. Ташкилот доирасида Туркий мамлакатлар Парламенти ассамблеяси, Турк академияси, Турк маданияти ва мероси жағмармаси ташкил этилди. Фаолиятнинг асосий тамойиллари 2016 йили қабул қилинган Истанбул декларациясида белгилаб қўйилди. Тузилма таркибида Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши, Юқори мансабдор тузилма Оқсоқоллар кенгаши тузилди. ТДТ кенгаши котибияти Истанбул шахрида фаолият юритмоқда. 2018 йил сентябрь ойида Чўлпонота шахрида Европа вакили Венгрия кузатувчи макомига эга бўлди. Шундан кейин Будапешт шахрида ТДТ ваколатхонаси очилди.

2021 йил ноябрь ойида Истанбул шахрида бўлиб ўтган саммитдан янги тенденция бошланди. Ташкилотнинг фаолият доираси кенгайди, иштирокчи давлатлари сони ортиди. Туркменистон кузатувчи макомини олди.

2021 йил 24 октябрь куни Президент сайловида ғалаба қозongan мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Туркий кенгаш саммитидаги иштироки доирасида ўзининг илҳи хорижий сафарини Туркияга амалга оширди. Бу ташриф Туркий давлатлар ташкилоти нуфузи ва аҳамиятини янада оширган муҳим воқеалик сифатида Ўзбекистоннинг ҳам туркий дунё давлатлари билан ҳамкорликка эътиборини ифода этди.

UNWTO САМАРҚАНДА «ЯШИЛ» ТУРИЗМ ХАЛҚАРО МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШНИ РЕЖАЛАШТИРМОҚДА

Ўзбекистоннинг Испаниядаги элчиси Жаҳонгир Фаниев БМТ Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) бош котиби Зураб Пололикашвили билан учрашди.

Биз ва жаҳон

Сўхбат чоғида Ўзбекистон ва UNWTO ўртасидаги ҳамкорликка оид қатор масалалар, қулаётган, жорий йилнинг октябрь ойида Самарқанд шахрида бўлиб ўтган ташкилот Бош ассамблеясининг 25-сессияси ахбороти муҳокама қилинди.

Хусусан, Зураб Пололикашвили ушбу глобал тадбирни ўтказишдаги юксак ташкилий ишлар ва дўстлик қўллаб-қувватлов учун Ўзбекистон раҳбариятига самимий миннатдорлик билдирди. У Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 25-сессиянинг очилиш маросимида билдирилган тақлиф ва ташаббуслар UNWTOнинг кейинги фаолияти учун ўзига хос "Йўл харитаси"га айланишини алоҳида таъкидлади.

"Яшил" туризмининг ривожлантириш тақлифи жаҳон туризми ривожига янги босқич сифатида эътиборга

олиниб, деди Зураб Пололикашвили. UNWTO бош котибининг айтишича, котибият ҳозирда "яшил" туризмининг баҳолаш мезонларини жорий этиш методологияси лойиҳасини ишлаб чиқмоқда. Бу "яшил" туризм бўйича халқаро дастурнинг асосига айланади. Шу муносабат билан у Самарқандда очилаётган "Ипак йўлида туризм" тематик офиси негизида UNWTO томонидан молиялаштирилган "яшил" туризм халқаро марказини ташкил этиш тақлифини билдирди.

Зураб Пололикашвили Президент Шавкат Мирзиёев билан Самарқандда бўлиб ўтган учрашувда Бухоро

шаҳри ва Бухоро вилоятида туризмининг ривожлантириш масалалари муҳокама қилингани ҳам таъкидлади. Шу муносабат билан у вилоятнинг туризм салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун худудга хорижий инвесторларни жалб этишга тайёрлигини маълум қилди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун элчи Жаҳонгир Фаниевга UNWTO эсдалик нишони топширилди.

«Дунё» АА.
Мадрид

Муносабат

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР — ФАРОВОНЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда кейинги йилларда Президентимиз раҳбарлигида кенг қўламли ислохотлар жадал амалга оширилмоқда. Хусусан, иқтисодий эътиборни либераллаштириш, халқимизнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Бу сайёра-ҳаракатлар натижасида сўнгги олти йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми бир ярим баробар кўпайди. 2030 йилга қадар ушбу иқтисодий кўрсаткичини яна икки қаррага ошириш мақсад қилинган. Кейинги йилларда юртимизда бўлаётган ўзгаришлар бугун халқаро ҳамжамият томонидан ҳам кенг эътироф этилмоқда, қўллаб-қувватланмоқда.

Мамлакатимиз кетма-кет нуфузли, истиқболли тузилмалар, жумладан, ШХТ, ТДТ, ИХТ, МДХ

давлат раҳбарлари йиғилишларида мезбонлик қилади қулайлиги ҳудудга айланади.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ҳам мамлакатимиз ташкилотини янада кенгайтиришга эътибор қаратилаяпти. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг мақсади мамлакатимиз ташкилотини янада кенгайтиришга эътибор қаратилаяпти. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг мақсади мамлакатимиз ташкилотини янада кенгайтиришга эътибор қаратилаяпти.

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

БУНЁДКОРЛИК СОҲАСИДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

Анджон вилояти мамлакатимиздаги энг аҳолиси зич, ер майдони эса кичик худуд ҳисобланади. Бу вилоятда ҳар бир қарич майдон ўлчовли, қадри бандан эканидан далолат. Айни пайтда аҳолини турароқ билан таъминлашда ўзига хос муаммоларни ҳам юзага келтирмоқда. Шу боис экин майдонларига зарар етказмаган ҳолда фойдаланилмай турган қир-адиқлар бағрида уй-жойлар қуришга киришилган.

Бугунги кунга келиб, вилоят ҳақиқий қурилиш майдонида айланган. Биргина Анджон туманида барпо этилаётган "Янги Анджон" шахрининг ўзида 440 минг аҳоли учун замонавий яшаш манзили қад рост-ламоқда. Ўн йилга мўлжалланган ушбу лойиҳанинг биринчи босқичи авж паллада.

Давлатимиз раҳбари ҳар гал вилоятга ташрифи давомида аҳолини

уй-жой билан таъминлаш масаласига тўхталар экан, амалга оширилаётган ишлар билан чекланиб қолмаслик, имкон қадар фуқароларга енгиллик яратиш муҳимлигини таъкидлайди. Мутасаддиларга зарур кўрсатмалар бериб, ушбу масалада ҳам инсон қадрига эътиборнинг амалдаги ифодасини юзага чиқаришга ундайди.



ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ ШЕРИКЛИК ВА МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

2021 йил 12 ноябрда ташкилотнинг халқаро миқёсдаги аҳамиятини ошириш, минтақавий барқарорлик ва тинчликни таъминлашдаги реал имкониятини кенгайтириш учун саккизинчи саммитда тузилма номи "Туркий давлатлар ташкилоти" этиб ўзгартирилди. Зеро, туркий давлатлар ҳамкорлиги бугунги давр талабига жавоб бериши, алоқалар механизми мустақамланиши, ўзаро боғлиқлиги учун янада мукамал сиёсий-ҳуқуқий асос яратилиши учун айна кадам муҳим аҳамиятга эга эди.

Истанбул саммитида сўзга чиққан Ўзбекистон Президенти бундай қарор ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мустақам замин яратишига ишонч билдириб, фаолиятни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариши, ташкилотнинг халқаро майдондаги роли ва нуфузини сезиларли даражада оширишини таъкидлади.

Кейинги йилларда халқаро ва минтақавий миқёсда турли йўналишда фаолият юритувчи ташкилот, уюшма, давлатлараро идоралар кўпайиб бориши кузатилаётган. Ўз навбатида, кўпбанд давлатларнинг бундай ташкилотларга қирилиши, фаол иштирок этишига бизни қувватлайди.

Айтиш жоизки, бу ташкилот ХХ аср охирида собиқ иттифоқ парчаланган даврда сўнг вужудга келган объектив реалликка ҳамда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жараёнга ўзига хос жавоб сифатида ташкилотли. Жаҳоннинг икки кўтба бўлиниши натижасида кўп йил давомида бу ҳудудлардаги давлатлар, халқлар ўртасидаги алоқалар суний равишда ихоталаниб, бутунлай тўхтаб қолган эди. Ўша йиллари жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида вужудга келган реал вазият, бир томондан, туркий халқлар ўртасидаги тарихий алоқаларни қайта тиклаш ва янги даврга мос сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар муносабатни, замонавий мулоқотни шакллантириш ҳамда ривожлантиришга имкон яратди. Бошқа томондан, собиқ иттифоқ таркибидagi туркий халқларда миллий ўзлигини англашга эътибор кўчирилди, тарихий аъёнлар қайта тикланди, туркий давлатлар алоқалари шаклланиб, фаоллашди.

Геосиёсий жиҳатдан муҳим минтақа

ТДТ жаҳон иқтисодиётида ҳамда геосиёсий жиҳатдан кулай минтақада жойлашгани туфайли муҳим аҳамият касб этади. Биринчидан, ушбу геостратегик ҳудудда 170 миллиондан зиёд кишилар яшайди, умумий майдон 4 миллион 242 миң 362 квадрат километри ташкил қилади.

Иккинчидан, тузилма мамлакатлари ялли ички маҳсулоти 1,2 триллион АҚШ долларига тенг. Бу Осиё ялли ички маҳсулотининг беш ярим фоизига баробар демакдир. Шу билан бирга, минтақа мамлакатлари иқтисодиёти жадал ривожланмоқда. Сановатнинг йиллик ўсиш суръати ўртача 8 — 12 фоизга тенг. ТДТ ичидagi савдо айланмиш 21 миллиард АҚШ долларига етади.

Учинчидан, ушбу ташкилот бирига яқин, ўшаш қадрият ва та-

мойилларни тарғиб қилувчи мамлакатларни бириктирган. Салоҳиятни ана шундай пойдевор устига қуриш ҳозирги бекарор геосиёсий шароитда муҳим стратегик аҳамиятга эга.

Шу билан бир вақтда йирик давлатлар ўртасида юз бераётган таҳликавий вазият, шиддатли геосиёсий ва геоиқтисодий жараёнлар, турли янги таҳдид ва хатарлар, озиқ-овқат хавфсизлиги, иқлим ўзгариши ва экология билан боғлиқ муаммолар Туркий давлатлар ташкилоти олдида янги кун тартибни кўймоқда. Бугунги кун яқин ўн йилликдаги вақтдан кескин фарқ қилмоқда. Бундай шароит ҳамжиҳатлик ва умумий саъй-ҳаракат билан ҳозирги нотинч дунёнинг барча синов ва таҳдидларини биргаликда енгиб ўтишнинг мулақо янги механизмини шакллантиришни талаб қилмоқда. Туркий давлатларнинг бундай ҳамкорлик платформаси халқаро муносабатларнинг бугунги янги даври учун айна муддао эканини аналтади.

Шунингдек, жаҳон миқёсида Осиёнинг аҳамияти ошиб бораётгани объектив жараён, қитъанинг истиқболли ривожланиш модели муҳим стратегик аҳамиятга эга. Гап шундаки, ривожланган давлатлар қарама-қаршилиги янада кучайишига йўл қўймаслик учун дунё янги тартиботга, ўйин қоидаларига ва меъёрларига борган сари кучли эътиҳ ёрдам берилмоқда. Ўз навбатида, бундай тартиботни замонавий мезонлар асосида уйғунлаштириш, шу билан бирга, ўз манфаатини таъминлашнинг янги механизмига эга бўлиш учун шарт-шароит яратиш ТДТ олдидаги муҳим вазифага айланмоқда.

ТДТ давлатлар ўртасида янгица алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида ўзаро ишончга асосланган мулоқот майдони яратиш учун фаоллашмоқда. Борган сари кучайиб борадиган бу жараёнда ташкилотнинг геоиқтисодий ва геостратегик механизмини ишлаб чиқиш ва ишга солишнинг аҳамияти ортиб боради. Бошқача айтсак, дунёвий ўзаро боғлиқликка асосланган замонавий мулоқот майдонини яратиш муҳим стратегик вазифага айланмоқда. Бу улкан минтақада амалга оширишга йўл қўйилган транспорт лойиҳалари аъзо давлатлар халқларининг маданий ўзига хошлигини сақлаб қолиш ва турли кучлардан ҳимоялаш учун янги имкониятлар очади.

Умуман, минтақавий жараёнларда иштирок этаётган аксарият мамлакатларда хавфсизлик ва иқтисодий манфаат муштарақлиги мавжуд. Қолаверса, Туркий давлатлар ташкилотида аъзо аксарият мамлакатлар бир вақтинч ўзида ШХТга аъзо экани мунозарали масалаларни самарали ҳал этиш имконини беради. Ташкилотга Туркиянинг аъзослиги, Европа Иттифоқи вакили Венгриянинг қузатуви экани Евроосиё ҳудудида фикр алмашиш учун кулай платформа сифатида ўзаро боғлиқлик концепциясини амалга оширишнинг янги механизмини яратди. Яъни ҳамкорликда қўшма лойиҳаларни ҳаётга таътиб этиш, қатор ташаббусларни илгари суриш ва ташқи сиёсий вазифаларни бажариш, бир-бирининг имкониятидан унумли фойдаланиш учун қўшимча шароитлар туғдирмоқда.

Истиқболли лойиҳалар ва аниқ қадамлар

Кейинги пайтларда тузилма доирасида муҳим истиқболли қилишларга эришилганини таъкидламоқчиман. Улардан бири Туркий инвестиция жамғармасининг тузилиши ўзаро манфаатли соҳалардаги ривожланиш лойиҳаларини кўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, рақамли инфратузилма, саноат ишлаб чиқариши, транспорт, қишлоқ хўжалиги, ахборот-коммуникация технологиялари, "яшил" иқтисодиёт, туризм, минтақалараро савдонинг ривожлантиришга, кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга, транспорт ва логистика тизимлари, сақлаш ва ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришни рағбатлантиришга, жисмоний ва ишлаб чиқариш ресурсларини яратиш ҳамда модернизация қилишга ҳисса қўшади. Жамғарманнинг таъсисчилари Қозоғистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Туркия ва Ўзбекистон давлатлари ҳисобланади. 2021 йилнинг 12 ноябрда ушбу давлатлар раҳбарлари Истанбулда Туркий инвестиция жамғармасини ташкил этишга қарор қилди.

Яқинда Озарбайжон, Венгрия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия ва Ўзбекистон географик жамиятлари вакиллари эса Туркий давлатлар географик кенгашини (ТДГК) тузиш тўғрисидаги битимни имзолади. Мақсад туркийзабон илмий-тадқиқот институтлари ва жамоат бириктирилган ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада такомиллаштириш, шунингдек, туркий халқларнинг тарихий ва маданий меросини ўрганиш ҳамда асраб-авайлаш, Экологик кун тартибни амалга оширишга биргаликда ҳисса қўйишдан иборат. Географик кенгашнинг бош қароргоҳи Тошкент шаҳрида жойлашган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси География жамияти раҳбари Ойбек Норинбоев уч йил муддатга ТДГК бош қотиби этиб сайланди.

Янги ташкил этилган кенгаш халқаро лойиҳалар, жумладан, фан, таълим, экологик таълим ва иқтисодий ёндашув, маданият ва туризм соҳасида ўзаро алоқаларни кенгайтириш, турк тарихига оид масалалар бўйича муштарақ илмий позицияларни ишлаб чиқиш, экологик кун тартибни таъминлаш ва унга эришиш каби лойиҳаларда иштирок этади. Улгерод нейтраллиги билан шуғулланган режалаштирилган. Яқин келажакда Географик кенгаш тузилмаси, қатор лойиҳалар ва аниқ қадамлар тасдиқланиши кутилмоқда.

Асосийси, ташкилот ўз эътиборини иқтисодиёт, сармоа ва инновация йўналишларига қараяпти. Бугунги кунда ТДТ тадқиқот марказини яратиш ва кадрлар тайёрлаш бўйича янги тақдирлар алақачон мавжуд. ТДТ ҳеч кимга қарши қаратилган эмас. Шунинг учун ташкилотни сиёсийлаштирмастик йўлдан боришга ҳаракат қилинмоқда.

Давлатлар муҳомааларини прагматик тарзда ва ўз манфаатларига йўналтирилган ҳолда олиб боришаётгани эътиборга молик. Хусусан, Туркий кенгашнинг Туркий давлатлар



ташкilotига айлантирилиши ҳамкорлик чуқурлашиб бораётганидан доролат. Бу мамлакатларимиз тарихида янги босқични белгилаб берди, шунинг учун ТДТ иштирокида давлатлари ўз олдларига чуқур иқтисодий ҳамкорлик ва транспорт боғлиқлигини ривожлантиришга қаратилган стратегик мақсадларни қўйди. Бунга савдо-ишлаб чиқариш салоҳиятини сезиларли даражада кенгайтирадиган қўшма иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш орқали эришиш мумкин. Транскасий халқаро транспорт йўналиши тез орада минтақа давлатлари транспорт-логистика саноатининг локомотивига айланиши мумкин.

Азалий қадриятлар, тарихий аъёнлар муштарақлиги

ТДТ доирасидаги маданий гуманитар ҳамкорлик давлатлараро муносабатларнинг ниҳоятда муҳим бўғини. Зеро, аъзо мамлакатлар ўртасидаги дўстлик, ўзаро аҳиллик, бир-бирини тушуниш азалий қадриятлар, тарихий аъёнлар, қардошлиқ ришталари билан мустақамланган.

Бугун тузилма доирасидаги маданий муносабатларда Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙнинг ўрни беқимс. Яқинда ТУРКСОЙнинг 30 йиллиқ юбилеи тантаналари барча иштирокчи мамлакатларда кенг нишонланди. ТУРКСОЙ билан ҳамкорликда мамлакатимизда қатор нуфузли халқаро тадбирлар ўтказилди. Хусусан, Гулистон шаҳрида III халқаро баҳшичилик санъати фестивали, Тошкент шаҳрида "Турк дунёси талабалари халқаро театр фестивали" ҳамда Марғилон шаҳрида "Буюк Ипак йўли" халқаро фольклор фестивали ўтказилди. Жорий йил давомида ҳам Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини нишонлаш, Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллиги, Фағур Фулом таваллудининг 120 йиллиги бағишлаб маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш белгиланди ва бу борадаги тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Мухтасар айтганда, ТДТ туркий тили мамлакатларни бириктирган, кўпбанд соҳаларда ривожланиш истиқболларига эга бўлган минтақавий ташкилотдир. Шу боис ушбу ташкилотнинг барча аъзоси, жумладан, Ўзбекистон учун ТДТ доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустақамлаш ўз тараққиёти ва барқарорлигини таъминлашга, иқтисодий ўсишга эришишга, халқ фаровонлиги ва руҳини кўтаришга, эртанги кунга ишончини юксалтиришга замин яратади.

Элмурод ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ректори,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР — ФАРОВОНЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

Айна давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тузилма доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, биологик хилмаҳиллик, иқлим ўзгариши каби қатор йўналишларда ишлар янада жадаллашди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ИХТ саммитларида мунтазам иштирок этиб келмоқда. Хусусан, яқин йилларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2021 йилдаги ўн бешинчи саммит яқунлари бўйича ИХТга раислик илк мартаба Ўзбекистонга ўтди.

Мамлакатимизнинг ИХТга раислиги даврида умумий тараққиёт ва фаровонлик йўлида кўп томонлама ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан 25 дан ортиқ тадбирлар ўтказилди. Бу, айниқса, жаҳон иқтисодиёти қатор жиддий муаммоларга дуч келётган бир пайтда барча иштирокчи давлатлар учун муҳим ва долзарбдир.

Пойтахтимизда шу йил 9 ноябрь куни бўлиб ўтган "Ҳамкорликда иқтисодий барқарорлик ва тараққиёт сари" шiori остида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг 16-саммити ташкилот тарихига унинг фаолияти ривожига келгуси йиллар учун янги қучли туртки берган муҳим воқеа сифатида кириши, шубҳасиз.

Саммитда Президентимиз ташкилот келажги ва раванқиға, яъни ўзаро савдонинг ривожлантириш, транспорт-коммуникация боғлиқлигини кучайтириш, саноат кооперацияси ва ишбилармонлик алоқаларини фаоллаштириш, "яшил" энергетика, иқлим ўзгаришлари, туризм ҳамда маданий гуманитар ҳамкорликка доир еттига муҳим ташаббуслар мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлорхотлар, ташқи сиёсатдаги фаолият тилин ҳамоҳангдир.

Ташкилотга аъзо давлатларнинг аксарияти денгизга тўғридан-тўғри чиқиб имкониятига эга эмаслиги ҳаммамизга яхши маълум. Шу боис Осиё — Тинч океани, Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Европа минтақаларининг йирик базорлари билан боғлайдиган ва бизнинг ҳудудларимиз орқали ўтадиган трансконтинентал транспорт йўлакларини салохиятидан тўлиқ фойдаланиш мақсада мувофиқ. Бу борада келгусида Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон ва Трансафрон мултимедиа йўлларининг ишга туширилиши барча аъзо давлатлар манфаатларига тўла мос келади.

Давлатимиз раҳбари ўз нуқтаида "Иқтисодий ҳамкорликнинг стратегик мақсадлари — 2035" концептуал ҳужжатини ишлаб чиқишни ҳам тақдир этди. Ушбу чакриқ ҳам жуда муҳим бўлиб, мамлакатлар ўртасидаги янада яқин ҳамкорликка замин яратади ва минтақада барқарорлик кафолати бўлиб хизмат қилади.

Умуман, Президентимиз савдо, транспорт, энергетика, туризм соҳаларида амалий ҳамкорликни мустақамлашга қаратилган қатор муҳим ташаббусларни илгари суриш билан бирга, ташкилотга аъзо давлатларнинг умумий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўзаро шерикликнинг долзарб йўналишларини белгилаб берди.

Муболағасиз айтиш мумкинки, Президент Шавкат Мирзиёевнинг саммитдаги етакчилиги Ўзбекистоннинг ИХТдаги аҳамияти ортиб бораётгани, унинг минтақавий интеграция ва фаровонликка кўмаклашидаги асосий иштирокчи сифатидаги роли ошаётганидан далолат беради.

Ишончимиз комилки, ушбу саммит ва Президентимиз нуқтаида белгиланган вазифалар, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг самарали ва таъсирчан тузилмага айланиши, кўп қиррали алоқалар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилишига хизмат қилади.

Фахриддин САМАДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

БИОХИЛМАХИЛЛИКНИ САҚЛАШ — УСТУВОР МАСАЛА

Шу кунларда мамлакатимиз бўйлаб давом эттирилаётган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасидаги хайрли ишларга Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳам муносиб ҳисса қўймоқда.

Акция

Жумладан, Тошкент шаҳар тиббий реабилитация клиник шифохонаси ҳудудида ташкил этилган дарахт экиш акциясида Сенатнинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология кўмитаси раиси Б. Алихонев, Хотинқизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор Г. Маруфова ҳам қатнашди.

Тадбир давомида сенаторлар мазкур лойиҳа мамлакатимиздаги экологик вазиятни яхшилаш, фуқаролар учун кулай яшаш шароитларини яратишга қаратилганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Муҳими, ушбу саъй-ҳаракатлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш бўйича давлат сиёсатининг ажралмас қисмига айланган.

Мазкур умуммиллий лойиҳанинг асосий мақсади мамлакатимизда яшил майдонларни кўпайтириш, шаҳар ва қишлоқларни кўкаламзорлаштиришдан иборат. Қолаверса, биохилмаҳилликни сақлаш ва

тиклаш, tuppoқни эрозия ва ифлосланишдан ҳимоя қилишда ҳам ушбу лойиҳанинг аҳамияти беқиёс.

Акция давомида тиббиёт муассасаси ҳудудида мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Парламент юқори палатасининг Ешлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси аъзоси Улуғбек Қосимов "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида Сурхондарё вилояти ҳудудини кўкаламзорлаштириш ишларида фаол қатнашмоқда.

Куни кеча вилоятнинг Термиз туманидаги Янгибод маҳалласида акция ташкил этилди. Унда сенатор бошчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан 40 гектар бўш ер майдонига турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Ортимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам сенаторлар иштирокидаги бундай тадбирлар давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

БУНЁДКОРЛИК СОҲАСИДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

Қувонарлиси, Президентимиз кўрсатмаси билан ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар одамларнинг оғирини енгиб қилиш, тураржойга талабни қондиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бу ҳақда гап кетганда Андижон вилоятида юртимизда илк бор синбаб кўрилайётган йиғма уйлар ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз.

— Туркияга хизмат сафари билан борганимда қисқа муддатда уй қуриш амалиёти билан шуғулланувчи компания фаолиятини ўргандим, — дейди лойиҳа муаллифи Элёрбек Набижонов. — Улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар сифатлилиги, барча шароитга эга экани ва арзонлиги билан эътиборимни тортиди. Юртимизга қайтган, орттирилган тажриба асосида Қўрғонтепа туманида фаолият олиб борувчи "Khan tex" кластери ишчилари учун 27 та уйдан иборат мўъжазгина шаҳарча қуриб етдик ва синов тарихида уни фойдаланишга топширдик. Ушбу уйларнинг афзаллик жиҳатлари жуда кўп. Биринчидан, жуда қисқа муддат ичида, яъни атғи 15 кунда қуриб битказилади. Қолаверса, ўтда ёнмайди, сувда чўкмайди. Барча шароитларга эга. Айтиш жоизки, бу турдаги уйларни қуришда қўлланиладиган хомашёларнинг барчаси инсон саломатлиги учун зарарсиз. Қолаверса, вақтлар ўтиб уларни қайта ишлаш имкони мавжуд. Девоқ қисмида фойдаланиладиган бетонан (фиберцемент) хомашёси ёнгина қарши чидамли бўлиб, бу уйнинг

ўтда ёнмаслигини кафолатлайди. Шунингдек, ёнгини сўндириш хусусиятига эга. Юқори иссиқлик билан бириктирилгани учун қаттиқ зилзила пайтида эгилиши мумкин, бироқ қулаб тушмайди. Хоҳлаган пайтими хоналарга ўзгартириш кiritишми мумкин.

— 2019 йили икки хонали уй қуришни бошлаган эдим, — дейди Андижон туманидаги "Садда таги" МФИда истиқомат қилувчи Дибрбек Мамадалиев. — 300 миллион сўм пул сарфласам ҳам тўрт девордан иборат уйни битказа олмадим. Ҳисоб-китоб қилиб кўрсам, шу икки хона уйнинг 1 кв. метри 6 миллион сўмга тўғри келаркан. Беш хонадан иборат йиғма уйнинг ҳар кв. метри эса 1,5 млн. сўмини ташкил этмоқда. Мен учун бу турдаги уйлар маъқул келмоқда.

Йиғма уйларни қуришда бетонан (фиберцемент), гипсокартон, пенопласт, ОСБ, пўлат плита, базальт, бўёқлар, кабель, алюминий дераза ва МДФ эшиклардан фойдаланилади. Иссик ва совуқдан изоляциясини аъёнаний уйларга нисбатан бир неча баробар юқори бўлиб, иссиқликни узоқ вақт ушлаб тура олади. 50 йилдан 100 йил муддатгача фойдаланиш мумкинлиги кафолатланаётган бу каби уйларни 3 қаватгача қурса бўлади.

Қўрғонтепа ва Андижон туманларида синовдан ўтказилган ҳамда ишончини оқлаган бу турдаги уйларни омаллаштириш борасида ҳам хайрли ишларга қўл урилган. Жумладан, Туркиянинг "Villa dizayn" ширкати билан ҳамкорлик-



да йиғма уйлар ишлаб чиқарувчи корхона қурилишига асос солинди. 5 млн. долларлик ушбу лойиҳа орқали бир ойда 500 та шу каби уйларни ишлаб чиқариш мумкин бўлади. 600 та янги иш ўрни яратиладиган бу корхонада нафақат уйлар, балки савдо дўконлари, идора биноларини ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

— Бинолар ҳеч қачон бир хил кўринишда туриб қолмайди, — дейди ушбу ширкат бош директори Кенан Яйру. — Шу боис уйларнинг шакли, ташқи кўриниши йил давомида ўзгартириб борилади. Бу борада сотиб олувчининг хоҳишлари ҳам инобатга олинади. Қолаверса, ҳар йили янги қурилуш хомашёлари ишлаб чиқарилмоқда, бунинг натижасида уйлар сифати йилдан-йилга яхшиланиб бораверади. Ҳозирги кундаги ҳисоб-китоб бўйича 1 сотих

майдонни эгаллайдиган уй жиҳози билан 200 миллион сўмини ташкил этмоқда. Бироқ хомашёни маҳаллийлаштириш туфайли бу нархни яна ҳам арзонлаштириш мумкин. Айни пайтда корхона қурилиши ишчилар давом этмоқда. Қисқа муддат ичида у фойдаланишга топширилади ва андижонлик фуқароларининг уйга бўлган эътиҳини қондиришини бошлайди. Умуман олганда, Андижон вилоятида аҳолини тураржой билан таъминлашда уларнинг моддий шароити, ўртача иш ҳақи ва ипотека кредитига лаёқати қатъий инобатга олинмапти. Бу эса бунёдкорлик соҳасида янгица лойиҳаларни ишлаб чиқиш эътиҳини туғдирмоқда. Илк тажрибалар эса ихобий самара бера бошлагани қувонарли, албатта.

Саминжон ҲУСАНОВ
«Халқ сўзи».

